

Тафсир китобини таҳоратсиз ўқиш дурустми?

16:36 / 27.04.2016 3151

САВОЛ: Ассалому алайкум! Тафсир китобини таҳоратсиз ўқиш дурустми?
Жавоб учун олдиндан раҳмат !

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Машҳур ҳанафий фикҳ китобларидан «Мажмаъул анҳур шарҳи мултақол аб-ҳур» китобида барча шаръий китобларни улуғлаш мақсадида таҳорат билан ушлаш таҳсинга сазовор ишлиги айтилган.

Зарурат юзасидан таҳоратсиз бошқа китобларини ушлашга рухсат бўлса ҳам, тафсирни таҳорат ила ушлаш кераклиги таъкидланган. Валлоҳу аълам.